



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ

ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

БҮЙИЧА ҚИСҚАЧА ШАРҲ

2024 йил


январь-октябрь

Жисмоний шахсларнинг валюта операциялари бўйича қисқача шарҳ

I. Трансчегаравий пул ўтказмалари.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида Ўзбекистонга келиб тушган пул ўтказмалари 12,6 млрд долларни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34 фоизга кўпайди (1-диаграмма).

1-диаграмма. 2023-2024 йй. январь-октябрь ойлари давомида келиб тушган пул ўтказмалар динамикаси, млн долл



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Маблағларнинг 78 фоизи Россиядан (9,8 млрд долл) келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мазкур даврига нисбатан 35 фоизга ошган. Мазкур трансферларнинг қолган қисми Қозоғистон (699 млн долл), АҚШ (470 млн долл), Жанубий Корея (458 млн долл), Туркия (331 млн долл), Буюк Британия (109 млн долл) ва бошқа мамлакатлардан ўтказилган.

2024 йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари ҳажмида кузатилган ўсиш тренди асосан меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи асосий ҳамкор мамлакатларда иқтисодий фаоллик ва иш ҳақи миқдорининг ошиши ҳамда ривожланган мамлакатларга меҳнат миграцияси оқими кўламининг кўпайиши билан изоҳланади.


Мисол учун, интернет платформаларидағи маълумотларга кўра, Россияда меҳнат муҳожирлари фаолият юритадиган асосий соҳаларда таклиф қилинаётган иш ҳақи миқдори ўртacha 38 фоизга ошган.

Жумладан, иш ҳақи миқдори қурилиш соҳасида 55 фоиз, етказиб беришда 48 фоиз, такси ва ресторон хизматларида 46 фоиз ҳамда юк ташиш соҳасида 14 фоизгача кўпайган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон миграция агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йил бошидан ишлаш истагида бўлган 113 минг нафардан зиёд фуқаролар, асосан, ривожланган мамлакатларга расмий, хавфсиз ҳамда уюшган ҳолда ишга юборилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,6 баробарга ошган.

Мазкур ҳолат Ўзбекистонга хориждан жўнатилган халқаро пул ўтказмалари ҳажмида ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан АҚШдан 37 фоизга, Жанубий Кореядан 71 фоизга, Буюк Британиядан 76 фоизга ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларидан 41 фоизга ўсиш кузатилди (2-диаграмма).

2023-2024 йй. январь-октябрь ойлари давомида келиб тушган пул ўтказмалари ҳажми, млн долл



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Шунингдек, жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида жисмоний шахсларга келиб тушган маблағларнинг 7 млрд доллари анъанавий халқаро пул ўтказма тизимлари орқали (ўтган йилга нисбатан ўсиш 19 фоиз), 4,9 млрд доллари хориждан жисмоний шахсларнинг банк карталарига тўғридан-тўғри (P2P) ўтказмалари орқали (ўсиш 52 фоиз) ҳамда 650 млн доллари банк ўтказмаси (SWIFT) орқали (ўсиш 2,4 баробар) амалга оширилган (3-диаграмма).

Бунда, жорий йилда хориждан жисмоний шахсларнинг банк карталарига тўғридан-тўғри (P2P) келиб тушган маблағларнинг жами ўтказмалар ҳажмидаги улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 фоиз бандга (39 фоизгача) ошди.

2024 йил бошидан P2P (онлайн) пул ўтказмалари кўламининг сезиларли даражада ошиши трансчегаравий тўлов тизимлари инфратузилмасининг ривожланиши ҳамда жисмоний шахслар орасида мазкур хизматларнинг кенг оммалашуви билан изоҳланиши мумкин. Хусусан, 2024 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида P2P (онлайн) транзакциялари сони қарийб 59 миллионтага етиб, ўтган йилга нисбатан 46 фоизга кўпайган.

Шунингдек, жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида Ўзбекистондан чет элга юборилган пул ўтказмалари ҳажми 2,3 млрд долларни ташкил қилди.


II. Валюта айирбошлаш операциялари.

2024 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида банклар ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги чет эл валютаси харири ва сотуви бўйича операциялар айланмаси ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19 фоизга (3,3 млрд долл) кўпайиб, 20,9 млрд долларни ташкил этди.

Мазкур даврда жисмоний шахслар томонидан банкларга 13,2 млрд доллар миқдоридаги ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32 фоизга кўп (2023 йилнинг мос даврида – 10 млрд долл) чет эл валютаси сотилган.

Шу билан бирга, жисмоний шахслар томонидан харид қилинган чет эл валютаси ҳажми ўтган йилга нисбатан 2 фоизга ўсиб, 7,7 млрд долларга етди (2023 йилнинг мос даврида – 7,6 млрд долл) (4-диаграмма).

4-диаграмма. 2023-2024 йй. январь-октябрь ойларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмлари динамикаси, млн долл



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Натижада, жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган таклиф ҳажми талаб ҳажмидан 5,5 млрд долларга қўп бўлди. Бу ўз навбатида, ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.